# ШАРТНОМА № 004

*Андижон шахар* 19. 04. 2022

Бизлар ким куйида имзо чекиб ўзаро шартнома тузувчилар бир томондан « **ABDULBORIY FARM LYUKS** »**М.Ч.Ж** номидан рахбар М.Курбонов келгусида “ **Таъминотчи**” деб номланган ва иккинчи томондан Косонсой тумани тиббиёт бирлашмаси номидан рахбар Ш. Чаримов келгусида “ **Харидор**” деб номланиб, куйидаги мазмунда шартномани туздик.

## 1. Шартнома мохияти

1.1 “ Таъминотчи” “Харидор”нинг талабномаси билан ишлаб чикарган махсулотларни сотади.”Харидор” эса олган махсулотлари учун туловни “Таъминотчи”нинг банкидаги тегишли хисоб ракамига келишилган муддатда утказиб беришни уз зиммасига олади

| т/р | Товар (иш, хизмат)лар номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Етказиб бериш киймати | ҚҚС | | Етказиб беришнинг ҚҚСни хисобга олган холда киймати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ставкаси | суммаси | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 258 1 | Дезинф. восста. непол. кольцо 7(85) | кг | 250 | 48000 | 12000000 | | | 12000000 |
| 2 | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | | |
| | **Жами тўлашга:** | | | | | | | 12000000 |

Сумма: Ун икки миллион сум 00 тийин

## 2. Махсулотнинг сифати

2.1. Етказиб бериладиган махсулот сифати Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига асосан етказиб бериладиган товар ва моддий кийматликлар учун белгиланган ГОСТ стандартлари мос келиши шарт.

## 3. Хисоб-китоб килиш тартиби

3.1. Хисоб-китоб “Харидор” томонидан “Таъминотчи” пул утказиш йули билан амалга оширилади.

3.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Газначилик булимидан руйхатдан утиб,маблаг 5 банк иш кунида “Харидор” етказиб бериладиган махсулотлар умумий суммасининг 30 % (фоиз)ини яъни 3600000 / уч миллион олти юз минг сум тарикасида “Таъминотчи” нинг хисоб ракамига ўтказиб беради.

3.3 “Харидор” томонидан 30% (фоизи) олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг “Таъминотчи” 3 банк иш куни давомида мазкур шартномада курсатилган микдорда ва нархларда давлатстандарти талабларига жавоб берадиган, махсулотларни ”Харидор”га етказиб беради.

3.4 Колган охирги 70% (фоизи) ни “Таъминотчи” томонидан етказиб берилган махсулотлар хисоб варака фактуралари асосида 30 банк иш кунида утказиб берилади.

3.5. Махсулотларни етказиб бериш харажати “Таъминотчи” хисобидан копланади

## 4. Жўнатиш ва қабул килиш шартлари.

4.1 Сотиб олинган товарларни жунатиш “Таъминотчи” томонидан амалга оширилади, етказиб бериш санаси бўлиб, товарнинг “Таъминотчи” омборидан юбориш санаси хисобланади,товарни кабул килиш,”Харидор” томонидан уни микдори,сифати ва руйхати хисоб-фактура асосида амалга оширилади.

## 5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1. Томонлар бошка томоннинг хужжатини расмийлаштирилиши ёки нотўгри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдирлар

5.2. “Таъминотчи” хукуклари ва мажбуриятлари:

-берилган буюртманомага мувофик етказиб берилган махсулотни кабул килишда асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар коплашини талаб килиш хукукига эга.

Агар махсулотни етказиб бериш жараёнида “Таъминотчи” шартнома шартлари ва норматитвларда чекинишга йул куйган булса ,”Харидор”нинг талаби билан аникланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдур. “Харидор” “Таъминотчи” томонидан етказиб берилган махсулот сифати курсатилган баённоманинг тўгрилигини 5 кун мобайнида текшириб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади

5.3. “Харидор” хукуклари ва мажбуриятлари.

Агарда “Харидор” “Таъминотчи” томонидан етказиб берилган махсулотни саклаш мобайнида йўл кўйган камчиликлар натижасида махсулот сифати бузилса, “Таъминотчи” жавобгарликни ўз зиммасига олмайди .

Камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар тугриланиш харажатларини коплашини талаб килишга: Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказиб зарарни коплашини “Таъминотчи”дан талаб килиш хукукига эга.

## 6. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

6.1. Шартнома мажбуриятларини тулик ёки кисман бажармаганликлари учун томонлар Узбекистон Республикасининг “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги конуни талаблари доирасида мулкий жавобгардирлар.

6.2. “Таъминотчи” жавобгарлиги

6.2.1 “Таъминотчи”нинг айби билан товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилса “Таъминотчи” томонидан кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмнинг 0.5% микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар суммасини 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

6.3 “Харидор”нинг жавобгарлиги:

6.3.1. “Харидор”нинг айби билан етказиб берилган товарлар хакини уз вактида туламаса, “Харидор” томонидан кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0.4 фоиз микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортик булмаган микдорда пеня тулайди.

6.4 Шартноманинг 2-бандига асосан “Таъминотчи” томонидан сотилган махсулот сифатсизлиги тегишли хужжатлар билан 3 кун ичида тасдикланса,у холда “Таъминотчи” сифатсиз махсулотни сифатли махсулот билан алмаштириб беради, ва бу билан боглик барча харажатларни ўз зиммасига олади.

6.5 Томонлар узларига юклатилган мажбуриятлардан узларига боглик булмаган куйидаги форс- мажор холатларида кисман ёки тулик озод этиладилар; ёнгин,табиий офатлар,харбий харакатлар,блокадалар,импорт ва экспорт килишга такиклар.

## 7. Низоларни хал этиш.

7.1. Шартнома мажбуриятлардан келиб чикадиган барча низолар,томонлар уртасида узаро келишилган холда хал этилади.
Низолар пайдо булганда томонлар ёзма равишда огохлантириш хати берадилар. Огохлантириш хатини жавоб бериш муддати 10 кун.

7.2. Хал этилмаган низолар Иктисодий судда кўриб чикилади. Иктисодий судни карори хал этувчи хужжат ҳисобланади

## 8. Форс - Мажор.

8.1 Томонларга боглик булмаган холатлар ёнгин,сув тошкини,шу каби бошка холатларда хамда Узбекистан Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Махкамасининг карорлари ,агар тегишли хужжатлари билан тасдикланган такдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади .

8.2. Юкоридаги холатлар юзасидан дархол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

## 9. Шартнома муддати

9.1 Шартнома худудий газначилиги булимида рўйхатдан утказилгандан сунг кучга киради ва 31 декабр 2022 йилгача амал килади.
Шартномага асосан томонларнинг уз зиммаларига олган мажбуриятлари бажарилмай колса, шартнома мажбуриятлар бажарилгунча амал килади.

## 10. Умумий холатлар

10.1. “Харидор” “Таъминотчи”га хар ойнинг 5 санасигача шу ойда зарур буладигон махсулотнинг буюртма руйхатини таклим этади.Бунда товарнинг номи,микдори курсатилиши шарт,“Харидор”га “Таъминотчи”томонидан прайс листлар таклим этилади, прайс листга асосан “Харидор”нархларга алохида эътибор берган холда,танлов варакасига асосланиб 1 ойлик эхтиёж учун зарур булган барча махсулотларни сотиб олади

10.2. Шартномага киритилиши лозим булган барча узгартириш ва кушимчалар факат ёзма тартибда амалга оширилади ва томонлар имзоланиб, мухрлагандан сунг тегишли газначилик булимидан руйхатга олингандан кейин асосий шартноманинг ажралмас кисми

10.3. Ушбу шартномага оид лекин шартномага киритилмасдан колган барча холатлар Узбекистан Республикасининг амалдаги конунлари асосида хал этилади.

## 11. Кўшимча шартлар

11.1______________________________________________________________________

## 12.Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:

"ТАМИНОТЧИ"

| | |
|---|---|
| Номи: | «ABDULBORIY FARM LYUKS»М.Ч.Ж |
| Адрес: | Андижон шахар Далварзин куча 22 уй |
| Х/Р: | 2020 8000 7005 0075 9001 |
| ИНН: | 303 452 764 ОКОНХ: |
| МФО: | 01120 |
| Банк: | АНДИЖОН Ш. "ИПАК ЙУЛИ" АИТ АНДИЖОН ФИЛ |

Рахбар ____________ М.Курбонов

"ХАРИДОР"

| | |
|---|---|
| Номи: | Косонсой ТТБ |
| Адрес: | Кос-й т. Тулобор МФЙ |
| Х/Р: | 100012860142077073101054001 |
| ИНН: | 200075811 |
| МФО: | 00014 |
| Банк: | Марк. банк Тошкент ш. [illegible] Вазирл. Газначилиги 23402000300100001010 [illegible]01122919 |

Рахбар

516

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ABDULBORIY FARM LYUKS" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ABDULBORIY FARM LYUKS" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

28.09.2015 18813 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 303452764

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Andijon viloyati, Andijon shahri, Dalvarzin kochasi 22-uy,

Guvohnoma: Andijon viloyati, Andijon shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: NE4867756105

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

KQ61072624

1. Loyihaning turi - sh a r t n o m a № 004.

2. Loyihaning nomi – «Abdulboriy Farm LYUKS » MCHJ hamda Kosonsoy tuman tibbiyot birlashmasi o'rtasida dori-darmon yetkazib berish to'g'risida shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi – Kosonsoy tuman tibbiyot birlashmasi.

4. Loyiha ishlab chiqilgan sana – 19.01.2022 y.

5. Loyiha "E-huquqshunos" elektron tizimiga kiritilgan sana – 24.01.2022 y.

6. Loyiha imzolangan sana – 24.01.2022 y.

7. Xujjat raqami - KQ61072624

8. Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti** **M.O.Yoqubjonov**

Юрист исм фамилияси: YOQUBJONOV MA'RUFJON ODILJON O'G'LI